Karakalpak Jugara or Karakalpak Sorghum (*Sorghum cernuum* Willd) is a species of annual plants with 2-3 meter stems (diameter up to 30 mm) and white grains, somewhat compressed. It is distinguished by a dense inflorescence with strongly shortened twigs and a curved stem under the inflorescence, which hangs downwards. It is very drought resistant. It is cultivated as a grain and fodder plant in Central Asia including, India, Iran, Afghanistan, Mediterranean countries, tropical Africa, USA, etc. It is exceptional drought resistance, salt tolerance, high productivity, crop stability over the years, good feed advantages and versatility of use. Karakalpak Jugara seeds are harvested during the period of full ripeness of the grain.

This product was introduced in the 17th century, simultaneously with the development of the trade of enslaved people, which took sorghum grain for the long journey in ship holds. When sorghum genotypes are transferred to other geographical areas, the crop is modified, adapting to new conditions. With development, it has become more productive and precocious than at home, because of which it now occupies large areas in secondary cultivation centers. Jugara was a real miracle that saved the poorest people and domestic animals from hunger.

In terms of nutritional properties, the grain and green mass of Jugara are almost as good as corn. The egg production of poultry, which is fed its grain, increases by 25-30%. It is very good to give it to chickens to make them grow faster and gain weight. If pond fish (carp, crucian carp, silver carp) are fed with sorghum grain, and not with traditional feed, their weight increases by 34%. Its grain is superior to corn in terms of macro- and micronutrient content. According to the trace element composition. It is almost identical to barley but using

it when fattening animals can result in twice as much pork as when feeding barley grain. A special place is occupied by a technical variety of culture, from which ordinary brooms are made. It contains up to 70% starch, is processed into cereals, flour, and alcohol. Its flour has a low gluten rate.

Porridge and Jugara soups are traditionally an entry into the diet of the Central Asian peoples. In Uzbekistan, for example, they cook porridge with meat (guja botka), soup from fried Jugara with meat (guja oshi), and milk soups (sutli guja). In Karakalpakstan, jueri gurtik has long been considered a traditional dish: Jugara porridge with meat and vegetables. In Turkmenistan, porridge with meat is called yoke. A real yoke is made from Jugara with a small addition of mung bean. Jugara or sorghum grain contains 10–15% protein, 65–75% carbohydrates, 3–5% fat, 2.4–4.8% fiber, 1.2–3.3% ash, as well as carotene, B vitamins and tannins. This allows us to recommend Jugara in diet therapy, for gout, diabetes, atherosclerosis, arthrosis, and other diseases.

The green mass is dried and ensiled, the stems serve as fuel, go to litter and roofing, before coarsening to green fodder. They are also used to produce biofuels.

Climate change, resistance to the main diseases of Jugara, increasing dust, and root and stem rot all have a negative impact in production. If experts see a great future for the culture of Jugara itself, then the traditional national dishes of this product are less and less common. Difficult to prepare, they are supplanting more accessible and easy-to-prepare recipes, as well as the fear of all national cuisines - fast food.

Маҳсулот номи: Қорақалпоқ жугориси
Маҳсулот тури: Дон
Ишлаб чиқариш ҳудуди: Қорақалпоғистон Республикаси

Қорақалпоқ жугори ёки қорақалпоқ жуериси (*Sorghum cernuum* Willd) — пояси 2-3 м (диаметри 30 мм гача), донаси оқ, бироз сиқилган бир йиллик ўсимлик туридир. У жуда қисқа шоҳлари ва пастга осилган тўпгулли, кависли пояси билан зич гуллаш хусусияти билан ажралиб туради. Ўрта Осиёда, жумладан, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон, Ўрта ер денгизи мамлакатлари, тропик Африка, АҚШ ва бошқаларда дон ва ем-ҳашак ўсимлиги сифатида етиштирилади. У қурғоқчилик ва тузланишга чидамлилиги, юқори маҳсулдорлиги, кўп йиллар давомида ҳосилининг барқарорлиги, озқали афзалликлари ва фойдаланиш жиҳатдан кўп қирраликларга эгаллиги билан ажралиб туради. Қорақалпоқ жугорисининг уруғлари доннинг тўлиқ пишган даврида йиғиб олинади.

Бу маҳсулот 17-асрда қул савдосининг ривожланиши билан бир қаторда жўхори донини узоқ сафарларда кемалар омборларида сақлашда қулайлиги сабабли кириб келган. Жугори генотиплари бошқа географик ҳудудларга кўчирилганда, ҳосил янги шароитларга мослашиб, ўзгарган. Ривожланиш натижасида у уй шароитига нисбатан самаралироқ ва эрта пишиш хусусиятига эга бўлди, шунинг учун у ҳозир иккиламчи экин ерларида катта майдонларни эгаллайди. Жугори камбағал аҳолини ва уй ҳайвонларини очликдан қутқарган ҳақиқий мўжизавий ўсимлиқдир.

Озиқланиш хусусиятларига кўра, жугорининг дони ва пояси деярли маккажўхоридан қолишмайди. Дон билан озиқланадиган қушларнинг тухум етиштириши 25-30 фоизга ошади. Уни товукларга бериш жуда фойдали - улар тезроқ ўсади ва семиришади. Ҳовуз балиқлари (сазан, карпа, карася, мўйлабдор) анъанавий озуқа билан эмас, балки жугори дон билан озиқланса, уларнинг тирик вазни 34 фоизга ошади. Дон макро ва микроэлементлар таркибига кўра маккажўхоридан устундир. Микроэлементлар таркибига кўра, бу арпа билан деярли бир хил, аммо уни ҳайвонларни боқишда ишлатиш арпа донига нисбатан икки баравар кўп чўчка гўшти олиш имконини беради. Ҳосилнинг техник жиҳатдан хилма-хиллиги айниқса оддий супургулар тайёрлашда алоҳида ўрин тутати. У 70 фоизгача крахмални ўз ичига олади, дон, ун, спирт, крахмални қайта ишлашда фойдаланилади. Ундан олинган ун паст даражада глютенга эга.

Бўтқа ва Жугори шўрвалари анъанавий равишда Ўрта Осиё халқларининг таом рационига киритилган. Масалан, Ўзбекистонда гўшти бўтқа – гўжа ботқа, гўшти қовурилган жугори шўрваси – гужа оши, сутли шўрвалар – сутли гўжа тайёрланади. Қорақалпоғистонда узоқ вақтлардан анъанавий таом сифатида жуеригуртик - гўшт ва сабзавотли Жугори пюреси тайёрланади. Туркменистонда гўшти бўтқа ёрма деб аталади. Ҳақиқий ёрма жугоридан озгина мош қўшилиши билан пиширилади. Жугори донида 10-15 фоиз протеин, 65-75 фоиз углеводлар, 3-5 фоиз ёғ, 2,4-4,8 фоиз клетчатка, 1,2-3,3 фоиз қул, шунингдек, каротин ва В витаминлари ва танинлар мавжуд бўлиб, падугра, қанд диабет, атеросклероз, артроз ва бошқа касалликлар учун Югару диетотерапиясида тавсия қилинади.

Яшил массаси қуритилади ва ўралади, поялари ёқилги сифатида фойдаланилади, тўшак ва том ёпилади ва дағаллашмаган ҳолатида - яшил озуқа сифатида ишлатилади. У биоёқилги ишлаб чиқариш учун ҳам ишлатилади.

Иқлим ўзгариши, чангнинг қўпайиши, илдиз ва поя чириши ишлаб чиқаришнинг пасайишига Жугорининг касалликларга чидамлилига салбий таъсир кўрсатади. Мутахассислар Жугори маданиятининг живожданиши учун яхши келажакни кўраётган бўлса-да, бу маҳсулотдан тайёрланадиган анъанавий миллий таомлар тобора камаймоқда. Тайёрланиши мушкуллиги сабаб, улар қўлайроқ ва осон тайёрланадиган таомлар, шунингдек, барча миллий ошхоналарнинг офати бўлган- тез тайёрланадиган таомларга ўрин алмашмоқда.



Guraob sauce Ўғраоб

Product Name: Guraob sauce/ G`o`rob
Product type: Condiment
Production area: Samarkand region

Guraob is a gastronomic specialty from Samarkand, in southeastern Uzbekistan. It is a liquid condiment made from the juice of unripe grapes. Its name, which comes from the Tajik language (a variety of Farsi), means “green water” or “unripe water.” Guraob is similar to verjuice, which has been used in European, Turkic, and Arabic cuisines for centuries. The Persian version of verjuice is known as ab-ghooreh. To make guraob, local grapes, often of the taifi and husaini varieties (though others can be used as well), are harvested before they are matured, before they have started to produce sugars.

The grapes are ground, the seeds and other solids are separated, and then the juice is usually boiled with the addition of some salt. The cooked juice is put in bottles, which are sealed with clay and then left on the roof of the house in the hot sun for the rest of the summer (temperatures can exceed 40°C). The bottles are usually glass, but plastic is also used. Though glass has been present in Samarkand since ancient times, it is likely that the vessels for guraob used to be made of ceramic. In any case, the current method dates back at least three centuries. The boiling and salting of the grape juice and sealing of the bottles are all important for preventing fermentation, which could yield alcohol or vinegar. However, due to the small amount of air left in the bottles when they are sealed, and the fact that tiny quantities of air pass through the clay stopper over time, the phenolic compounds in the juice eventually oxidize, and the guraob turns from a pale green to a reddish-brown color. The thing that distinguishes guraob from other variations on verjuice is that it is left in the sun.

Guraob is used to season all kinds of meat and vegetable dishes, from Samarkandi pilaf to achichuk salad, which is made from onions and tomatoes. A mixture of guraob and sliced onion is served as an accompaniment with shashlik (local barbecue) or fried meats. Though they have similar uses, guraob should not be confused with vinegar. In fact, as different kinds of vinegar have become more available, the use of verjuice has declined in many of the cuisines to which it is traditional.

Guraob is at risk for several reasons: It is produced in limited quantities at the household level, not commercially, so its continued production depends on the tradition and associated knowledge being passed to younger generations. Unfortunately, the urbanization of Samarkand has led to the destruction of household garden plots where people used to grow grapes. Also, when people relocate to large apartment buildings, it becomes much less convenient to put bottles of guraob on the roof to cure in the sun.

Маҳсулот номи: Ғўраоб

Маҳсулот тури: зиравор

Ишлаб чиқариш ҳудуди: Самарқанд вилояти

Ғўроб — Ўзбекистоннинг жануби-шарқдаги Самарқандда таёрланадиган гастронимик таом. Бу пишмаган узум шарбатидан тайёрланган суюқ зиравор. Тожик тилидан (фарсча хилма-хил) келиб чиққан унинг номи “яшил сув” ёки “пишмаган сув” деган маънони англатади. Ғўроб Европа, туркий ва араб ошхоналарида асрлар давомида ишлатилган верджусга ўхшайди. Verjuice нинг форсча версияси ab-ghooreh деб номланади. Ғўроб тайёрлаш учун маҳаллий узум, кўпинча Тойфи ва Хусайни навларидан (бошқалар ҳам фойдаланиш мумкин), улар ҳали пишмаганида, шакар ишлаб чиқаришни бошлашдан олдин йиғиб олинади. Узум эзилади, уруғлар ва бошқа қаттиқ моддалар ажратилади, сўнгра шарбат одатда туз қўшилган ҳолда қайнатилади. Тайёрланган шарбат шишаларга қуйилади, улар лой билан ёпилади, сўнгра ёз охиригача иссиқ қуёш остида уйнинг томида қолдирилади (ҳарорат 40°C дан ошиши мумкин).

Идишлар одатда шишадан, лекин пластик идишлар ҳам ишлатилади. Самарқандда шиша қадим замонлардан бери мавжуд бўлса ҳам, ғўроб идишлари сополдан ясалган. Ҳар ҳолда, ҳозирги тайёрлов усулидан камида уч асрдан бери фойдаланилади. Узум шарбатини қайнатиш, тузлаш ва шишаларни ёпиш ферментация учун муҳим аҳамиятга эга, бу жараён спирт ёки сирка ҳосил бўлишига олиб келади. Шу билан бирга, муҳрланган шишаларда оз миқдорда ҳаво қолганлиги ва вақт ўтиши билан лой қопқоғидан оз миқдордаги ҳаво ўтиши сабабли, шарбат таркибидаги фенолик бирикмалар охир-оқибат оксидланади ва ғўроб оч яшил рангдан қизил жигарранггача ўзгаради. Ғўробни бошқа верджусларидан ажратиб турадиган фарқи шундаки, у қуёшда қолдирилади.

Ғўробдан Самарқанд паловидан тортиб пиёз ва помидордан тайёрланадиган “ачичук” салатигача бўлган барча турдаги гўшт ва сабзавотли таомларни истеъмол қилишда ишлатилади; ғўроб ва тўғралган пиёз аралашмиси маҳаллий кабоб ёки қовурилган гўшгга қўшимча сифатида хизмат қилади. Ўхшаш хиҷатларга эга бўлса-да, ғўробни сирка билан адаштирмаслик керак. Дарҳақиқат, турли хил сирка турлари мавжуд бўлганлиги сабабли, верджусдан фойдаланиш анъанавий бўлган кўплаб ошхоналарда аҳамиятини йўқотди. Ғўроб тайёрлаш усули бир неча сабабларга кўра хавф остида: у тижорат мақсадларида эмас, балки уй шароитида чекланган миқдорда ишлаб чиқарилади, шунинг учун уни ишлаб чиқаришни давом эттириш анъаналарга ва ёш авлодга ўтадиган тегишли билимларга боғлиқ. Афсуски, Самарқанднинг урбанизацияси авваллари узум етиштирилган томорқа ерларининг вайрон бўлишига олиб келди. Бундан ташқари, одамлар кўп қаватли турар-жой биноларига кўчиб ўтишлари сабаб, ғўробни қуёшда қуритиш учун томга шишаларини қўйиш имкони камайди.



Novvot НОВВОТ (НАВАТ, НОВАТ)

Product Name: Novvot

Product type: Sweets

Production area: Samarkand region

Navat is a recrystallized sucrose formed from a rich fruit syrup, common in the countries of Central Asia: Uzbekistan, Tajikistan, Afghanistan, and Iran. It has many names characteristic of different regions: Navat, Kinwa-shakari, Nabat, and Linavot. It is produced at home and in small production workshops throughout Uzbekistan. Since the natural product requires the mandatory addition of fresh grape juice, it is not produced very much. Accordingly, the price of navat is several times higher than that of granulated sugar or refined sugar. Navat has white, light cream, or brown crystals collected on a stick or thread in the form of a cylinder or cone.

The variety of shades is achieved by different cooking times or by adding saffron or food to the Navat. Crystals are much larger than ordinary white or cane sugar. The diameter of each piece is about 5–8 centimeters. Richly sweet, but not cloying, with a fruity or honey notes. The main part of the product is produced during the grape harvest period (summer-autumn). However, with the development of modern technologies, canned grape juice can also be added to navat, and various substitutes can be used to deceive consumers.

The history of this sweet product goes back thousands of years, as it has long been popular in the countries of Central Asia. The appearance of navat in Central Asia is supposedly associated with the penetration of the Tajiks, the ancestors of the Tajiks (9th – 10th centuries), into the Iranian region. In Iran, there is even a name for Navat, which has been passed on to the Uzbek tradition, has spread to the territory of Uzbekistan

for a long time, and has long been one of the favorite sweet delicacies. In Farsi, it means old. Once, the product was considered very valuable and expensive and was stored in special caskets as a jewel, and not everyone could afford to consume Navat.

To make Navat, special tools and utensils are required. Previously, there was no industrial production of sweets. It was made by specialized craftsmen available in almost every village in Iran and Uzbekistan. The art was passed down from generation to generation and was respected by the locals. The radial recipe for sweetness was boiled in cauldrons with the addition of sugar and freshly squeezed grape juice until a syrup with a moisture content of 16–18% was obtained, then filtered through a fine-mesh sieve and poured into a special container with stretched threads. Here, while maintaining a constant temperature, it went through the crystallization process, which takes at least three days. After that, the crystals were extracted and dried in the open air. According to traditional technology, it is permissible (but not necessary) to add only two auxiliary ingredients to the syrup for the preparation of Navat: saffron, which gives the crystals a rich golden color and a spicy, bitter taste, less often natural honey, that gives additional softness on the palate, and honey aftertaste. One of the main ways to consume Navat is with green tea. A stick of Navat is dipped in a cup with a drink and stirred until the crystals are completely dissolved.

Not so long ago, a cheap method of making Navat crystals from granulated sugar appeared. Ordinary white sugar, which is sold in stores, contains sucrose. This substance is different from the natural glucose in grape sugar. Sucrose prevents the formation of large hexagonal crystals. To break down sucrose in ordinary sugar, a special enzyme called amylase is used, obtained chemically. Thus, even at home, you can get sparkling navat crystals. Nevertheless, both the taste and healing properties of such sweetness are in many ways inferior to real Uzbek sugar. Therefore, when purchasing Navat in a store or via the Internet, you should make sure that it is really made from natural ingredients. Today, a popular product is made on a small industrial scale in workshops, and it is not a fact that everywhere it adheres to the traditional technology of its production.

A small number of producers have this unique indigenous knowledge of producing natural Uzbek Navat especially from grapes and other fruits. Unfortunately, this knowledge is being lost due to the easy use of industrial sugar, and if attention is not paid to the continuity of this traditional knowledge, the natural Navat in Uzbekistan is at risk of disappearing.

Маҳсулот номи: Новвот (нават, новат)

Маҳсулот тури: Ширинликлар

Ишлаб чиқариш ҳудуди: Самарқанд вилояти ва бошқа вилоятлар

Ўрта Осиё мамлакатлари: Ўзбекистон, Тожикистон, Афғонистон, Эронда кенг тарқалган ширинлик, тўйинган мева сиропидан ҳосил бўлган қайта кристалланган сахароза ҳисобланади. У турли минтақаларга хос кўплаб номларга эга: Нават, Кинва-шакари, Набат ва Линавот. У бутун Ўзбекистон бўйлаб уйда ва кичик ишлаб чиқариш цехларида ишлаб чиқарилади. Табиий маҳсулот янги узум шарбатини қўшишни талаб қилганлиги сабабли, ҳақиқий новвот кенг қўламда ишлаб чиқарилмайди. Шунга қўра, унинг нархи шакар упаси ёки тозаланган шакардан бир неча баравар юқори. Новвот - цилиндр ёки конус шаклида таёқ ёки ипда тўпланган оқ, енгил крем ёки жигарранг кристаллардир. Ранг-барангликка турли пишириш вақт оралиқлари ва заъфарон ёки асал қўшилиши билан эришилади. Кристаллар оддий оқ ёки қамиш шакардан анча катта. Ҳар бир бўлакнинг диаметри тахминан 5-8 см. Мевали шарбат ёки асал таъми билан ўткир ширин, аммо меъдага тегмайдиган таъмга эришилади. Маҳсулотнинг асосий қисми узум йиғим-терими даврида (ёз-куз) ишлаб чиқарилади; Бироқ, замонавий технологиялар ривожланиши билан новвотга консерваланган узум шарбати ва турли ўринбосарлар қўшиш билан истеъмолчини алдаш мумкин.

Бу ширинликнинг тарихи минг йилларга бориб тақалади; у Марказий Осиё мамлакатларида узоқ вақтлардан бери машҳур бўлган. Новвотнинг пайдо бўлиши, тожик халқлари аждодларининг Эрон ҳудудига кириб келиши (IX–X асрлар) билан боғлиқ. Эронда ҳатто Новвот номи ҳам борки, у ўзбек анъаналарига мослашиб, бутун Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб тарқалди. Форс тилидан таржима қилинганда “эски” деган маънони англатади. Новвот азалдан сеvimли ширинликлардан бири бўлиб келган. Бир вақтлар маҳсулот жуда қадрли ва қиммат ҳисобланарди, у заргарлик буюмлари каби махсус қутиларда сақланган ва ҳамма ҳам уни харид қилишга қодир бўлмаган.

Новвот тайёрлаш учун махсус асбоблар ва идишлар керак бўлади. Илгари ширинликларни ишлаб чиқариш саноати бўлмаган. Уни Эрон ва Ўзбекистоннинг деярли барча қишлоқларида бўлган махсус ҳунаромандлар ишлаб чиқарганлар. Санъат авлоддан-авлодга ўтиб келган ва маҳаллий аҳоли томонидан қадрланган. Анъанавий рецептга қўра, ширинлик 16-18 фоиз намликдаги сироп олинмагунча шакар ва янги сиқилган узум шарбати қўшилган қозонларда пиширилган, сўнгра нозик тўрли элакдан филтрланади ва чўзилган иплар билан махсус идишга қуйилган. Бу ерда доимий ҳароратни сақлаш билан, кристалланиш жараёни содир бўлади, бу жараён камида 3 кун давом этади. Шундан сўнг, кристаллар олиб ташланади ва очиқ ҳавода қурилади. Анъанавий технологияга қўра, новвотни тайёрлаш учун сиропга фақат иккита ёрдамчи ингредиентни қўшиш (шарт эмас) жоиздир: кристалларга олтин ранг ва чучук таъм берадиган заъфарон; баъзан юмшоқ таъм ва сарғиш ранг берадиган табиий асал. Новвотни истеъмол қилишнинг асосий усулларида бири кўк чой билан ичишидир. Таёқдаги ширинлик бир пиёла ичимликка ботирилади ва кристаллар бутунлай эригунча аралаштирилади.

Яқинда шакар упасидан новвот тайёрлашнинг арзон усули пайдо бўлди. Дўконларда сотиладиган оддий оқ шакар таркибида сахароза мавжуд. Бу модда узум шакаридаги табиий глюкозадан фарқ қилади. Сахароза Новвотнинг катта олти бурчакли кристаллари шаклланишига тўсқинлик қилади. Оддий шакардаги сахарозани парчалаш учун амилаза деб аталадиган махсус кимёвий ишлаб чиқарилган фермент ишлатилади. Шундай қилиб, ҳатто уйда ҳам сиз ёрқин новвот кристалларини олишингиз мумкин. Аммо таъми жиҳатидан ҳам, шифобахш хусусияти билан ҳам бундай ширинлик кўп жиҳатдан ҳақиқий миллий маҳсулотдан анча паст бўлади. Шунинг учун, новвотни дўконда ёки Интернетда сотиб олаётганда, унинг табиий ингредиентлардан тайёрланганлигига ишонч ҳосил қилишингиз керак. Бугунги кунда машҳур маҳсулот катта бўлмаган саноат миқёсида ишлаб чиқарилади ва ҳамма жойда ҳам анъанавий ишлаб чиқариш технологиясига риоя қилинаётгани ҳақиқат эмас.

Бугунги кунда ушбу машҳур маҳсулот кичик саноат миқёсида ишлаб чиқарилади аммо, жойда ҳам анъанавий ишлаб чиқариш технологиясига риоя қилинганига ишонч ҳосил қилиб бўлмайди.



Shinni Шинни

Product Name: Shinni

Product type: Processed Fruit

Production area: Fergana and Namangan regions

Shinni Bekmes or Bekmez, is a fruit juice that is boiled down to a syrupy state. The consistency of the product resembles honey (it is called fruit honey), and, as a rule, it is made from grapes (doshab). Shinni-Bekmez can also be mulberry, melon, watermelon (nardek), pear, quince, etc., but the most popular is still grape, which is considered classic, and is the most common and affordable.

Bekmez, made from black grape varieties, has a slightly tar syrup and chocolate-coffee notes. Of the white varieties, Bekmez is like fresh honey. An important role in Uzbek viticulture is played by the Parkent district of the Tashkent region. Located in the western foothills of the Chotkal range of the Middle Tian Shan and surrounded by mountains. Local Bayan Shirei grape varieties produce high-quality Bekmes used for confectionery and blending. Black grape varieties such as Morastel, Saperavi and Hindogni can be used to produce products with higher nutritional value, rich antioxidants, and higher phenolic content than white grapes.

Famous and popular is Parkent shinnishi - a unique Bekmes made from grapes grown in the foothill village of Sukok (Parkent district). This environmentally friendly product, made from hand-picked grapes on the mountain slopes, has great export potential.

Grape juice, that is prepared to make bekmes in the traditional way from grape varieties grown in the region, is represented by the highest indicators of biochemical composition, phenolic substances, and the content of active antioxidants. The juice is placed into a large cauldron and evaporated over very low

heat or in the sun without added sugar. To maintain the maximum intensity of the color of Bekmez brewed from various grape varieties, to ensure the balance of sugar and acidity, as well as to radically improve other technological indicators of the quality of the finished product, it is recommended to be produced in the traditional way, but on modernized and high-tech industrial lines. For example, the condensation of syrup in vacuum-evaporation boilers allows you to preserve the maximum of useful phenolic compounds, vitamins, and other biologically active substances, in addition to the intensity of their color. To reduce acidity (neutralization) during the boiling process, chalk, marble powder, clay is added to the juice and is one of the ways to process grape berries for long-term storage. The product is packed in glass containers and stored for six months in a cool place. Previously, Bekmes were stored in pottery.

Bekmez can be consumed as a separate dish, and also can be added to tea, pastries, desserts (Turkish delight, halva, churchkhela, sherbet), drinks, and jams. It is also used to make alcoholic and non-alcoholic beverages, for example, to increase the sugar content and strength of dessert wines. Bekmez goes well with pancakes, cheesecakes, and cottage cheese. It can be added to muesli and porridge, which is very popular especially with children. At the same time, it meets most of the daily needs for vitamins and minerals, especially calcium, iron, potassium, and magnesium.

In recent years, humanity has faced great risks in terms of maintaining health, the need for products with high biological and nutritional value has increased significantly. The main task was to expand the range of agricultural products, their quality, environmental cleanliness, and health benefits. In this regard, in grad and its products play an important role in the production of biologically active and nutrient-rich products. In Uzbekistan, this problem is fully realized, and they are trying to stop it by expanding the area under grape culture and the amount of viticulture and its processing. The volume of cultivation of grapes, processing, production and packaging of various products is somewhat smaller, and it is necessary to radically expand and modernize this industry in accordance traditionality with the requirements of the time.

Маҳсулот номи: Шинни

Маҳсулот тури: мева консервалари

Ишлаб чиқариш ҳудуди: Фарғона вилояти, Наманган вилояти

Шинни ёки Бекмез - сиропсимон ҳолатга қадар яхши қайнатилган мева шарбати. Маҳсулотнинг таркибига кўра асалга ўхшайди (у мевали асал деб атайдилар) ва қоида тариқасида, узумдан (дошаб) тайёрланади. Шиннини тут, қовун, тарвуз (нардек), нок, беҳи ва бошқалардан ҳам тайёрлаш мумкин, ammo энг машҳур ва энг кенг тарқалган арзон деб ҳисобланадиган узум шарбатидир.

Қора узум навларидан тайёрланган Шинни озгина қатрон сиропи, шоколад ва кофе таъмларига эга. Оқ навлардан тайёрланган Шинни таъми асалга ўхшайди. Ўрта Тянь-Шаннинг Чотқол тизмасининг ғарбий этакларида жойлашган ва тоғлар билан ўралган Тошкент вилоятининг Паркент тумани ўзбек узумчилигида муҳим ўрин тутати. Маҳаллий “Баян ширей” узум навларидан қандолатчилик ва қориштириш учун ишлатиладиган юқори сифатли шиннилар тайёрланади. Морастел, Саперави ва Хиндони каби қора узум навлари оқ узумга қараганда юқори озукавий қиймати, антиоксидантларга бой ва юқори фенолик таркибига эга озиқ-овқатларни ишлаб чиқариш учун ишлатилиши мумкин. Машҳур ва маълум бўлган Паркент шинниси – тоғ олдидаги Сўқўқ қишлоғида (Паркент тумани) етиштирилган узумдан тайёрланган ноёб бекмесдир. Тоғ ёнбағирларида қўлда терилган узумдан тайёрланган ушбу экологик тоза маҳсулот катта экспорт салоҳиятига эга.

Минтақада етиштирилган навлардан анъанавий усулда тайёрланган узум шарбати биокимёвий таркиби, фенолик моддалари ва фаол антиоксидантларнинг энг юқори даражаси билан ифодаланади. Узум шарбати катта қозонга қуйилади ва шакар қўшмасдан жуда паст оловда ёки қуёшда буғланади. Турли хил узум навларидан тайёрланган бекмезнинг максимал ранг интенсивлигини сақлаб қолиш, шакар ва кислоталилик мувозанатини таъминлаш, шунингдек, тайёр маҳсулот сифатининг бошқа технологик кўрсаткичларини тубдан яхшилаш мақсадида уни анъанавий усулда ammo модернизация қилинган ва юқори технологияли саноатда ишлаб чиқариш тавсия этилади.

Мисол учун, вакуумли буғланиш қозонларида сиропни конденсация қилиш уларнинг ранги интенсивлигидан ташқари, фойдали фенолик бирикмалар, витаминлар ва бошқа биологик фаол моддаларни максимал даражада сақлаб қолиш имконини беради. Қайнатиш жараёнида кислоталикни (нейтрализацияни) камайтириш учун шарбатга бўр, мармар кукуни, шўхок ва лёсс қўшилади ва бу узумни узоқ муддат сақлаш учун қайта ишлаш усулларида бирийдир. Тайёр маҳсулот шиша идишларга қадоқланади ва олти ой давомиде салқин жойда сақланади. Илгари шиннилар сопол идишларда сақланган.

Шинни мустақил таом сифатида истеъмол қилинади, чойга, пишириқларга, ширинликларга, ичимликлар (турк локуми, ҳолва, черчхелу, шербет) ва мураббога қўшилади. Шунингдек, у алкогольли ва алкогольсиз ичимликлар тайёрлаш учун, масалан, ширин шаробларнинг шакар миқдори ва кучини ошириш учун ишлатилади. Шинни қуймоқлар ва творог билан яхши истеъмол қилинади. Айниқса, болалар жуда яхши кўрадиган мусс ва бўтқаларга қўшиш мумкин. Шу билан бирга, у витамин ва минералларга, хусусан, калций, темир, калий ва магнийга бўлган кунлик эҳтиёжнинг катта қисмини қондиради.

Сўнги йилларда инсоният соғлиқни сақлаш нуқтаи назаридан катта хавф-хатарларга дуч келди, биологик ва озукавий қиймати юқори бўлган маҳсулотларга бўлган эҳтиёж сезиларли даражада ошди. Буннинг учун асосий вазифаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турларини кўпайтириш, сифатли, экологик тоза ва соғлиқ учун фойдали бўлишини таъминлашдир. Бу борада узум ва узум маҳсулотлари биологик фаол ва озука моддаларига бой маҳсулотлар ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистонда узум етиштириш майдонларини кенгайтириш, узум етиштириш ҳажмини кўпайтириш, қайта ишланган маҳсулотлар ва қадоклаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўли билан бу муаммо ҳал этилмоқда, бунинг учун мазкур тармоқ замон талаблари асосида тубдан кенгайтирилиб, модернизация қилинмоқда.



Shirmon Non Bread Ширмон нон

Product Name: Shirmon Non Bread
Product type: Baked product
Production area: Namangan region

Shirmon Non or Sourdough Bread is a traditional bread produced by local communities in Samarkand, Namangan, Fergana, Andijan, Kashkadarya, and Surkhandarya regions of Uzbekistan.

Depending on the composition of the ingredients of the sourdough and the features of the technology, the Uzbek sourdough flatbread is called differently based on the production area such as "Shirmon kulcha", "Shirmon Patir", "kushalok Screen", "Payvand", "Obu xol", "Olcha gulli screen", "Alimat-non", "Abukhalil-alicha-gyuli", "Kushalok-kulcha", "Yaglyk-kulcha", "Kushalok-kulcha-shirin", "Alimat-yaglyk", "Shikar-yaglyk", "Payvond-yaglike", "Shakir-abukhali-alicha-gyuli", "Abukhali-alicha-gyuli-yaglik", "Abukhali-alicha-gyuli-shirin". Shirmon Non is considered a dietary and even medicinal bread, has a unique sour and sweetish taste at the same time, with a delicate aroma of anise. Experienced bakers (Nonvoychi) are proud of the special sourness in their bread and can control the level of acidity in the recipe. Thanks to this, it is possible to create a deep and complex taste of bread, keeping the sourdough at a lower or higher humidity level or regulating the fermentation temperature.

It is believed that sourdough bread has been used by people for more than 6,000 years. There is no information about the appearance of the product in the territory of Uzbekistan, but it can be easily assumed that it appeared along with the emergence of the production of flatbreads in the tandoor. The areas of its manufacture are associated with the areas of settlement of ancient sedentary agriculture, and the tradition of making sourdough cakes has survived more than one invasion of foreigners and a change of cultures. However, the product is widespread in the ancient agricultural regions of Uzbekistan, especially in rural

communities and small towns. Less widespread or complete absence of the tradition of baking sourdough bread is observed in the regions where the descendants of nomadic Turkic tribes settled, although they consume other types of bread with added fat, such as “obi non” and “chalice”, and Tandoors are also used. Shirmon Non is not a bread for every day – according to tradition, it is consumed on holidays, weddings and other occasions. The nutritional value of it depends on the type of flour used for cooking, with whole wheat flour it is a healthy dose of fiber, calcium, iron, magnesium, manganese, potassium, phosphorus, selenium, zinc, and vitamins B, C, and E.

It takes at least fifteen hours to prepare a special sourdough based on local chickpea-nohata, a decoction of it with the addition of anise, tail fat, wheat flour, and much more. Moreover, every experienced baker (Nonvoychi) has their own secret of preparing a product that has been passed down from generations. The best ingredient to create a starter culture is whole wheat flour. This bread is baked in a red-hot tandoor, like an ordinary obi non. The special aroma and color of the cake is given by the method of preparation - on dry cotton stalks - guzapai or brushwood collected in the wild mountains. It is they who give that special heat that makes the cakes ruddy.

Despite the initiatives of the government of Uzbekistan on the development of gastronomic tourism, the popularization of Uzbek cuisine, its features, and traditions, as well as the development of entrepreneurship, the production of bread “screen non” remains primarily a family production. It is this form of existence of ancient traditions that is of interest, both for foreign tourists and guests, and for local youth.

One of the main ingredients of sourdough bread is the baker’s secret. Everyone has their own, respectively - all breads baked with different nonvoychi - have their own taste and aroma. Secrets are often passed down in families from father to son and beyond. Attracting students from the outside seems more difficult due to the complexity of learning a profession. Such recipes are lost when offspring are interrupted, or sons refuse to follow the path of their fathers.

Маҳсулот номи: Ширмон нон

Маҳсулот тури: нон маҳсулотлари

Ишлаб чиқариш ҳудуди: Наманган вилояти

Ширмон нон ёки хамиртуруш нон — Ўзбекистоннинг Самарқанд, Наманган, Фарғона, Андижон, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида маҳаллий аҳоли томонидан пишириладиган анъанавий нон.

Бу ранги, хушбўй ва текстураси жиҳатидан серкўёш Ўзбекистоннинг технологик жиҳатдан энг мураккаб ва эҳтимол энг ёрқин таъмли маҳсулотидир. Ўзбек хамиртурушли ясси нонлари ишлаб чиқариш ҳудудига, масаллиқларнинг таркиби ва тайёрланишининг ўзига хос хусусиятларига кўра турлича номланади, масалан, “Ширмон кулча”, “Ширмон патир”, “Қўшалоқ ширмон”, “Пайванд”, “Обу Ҳол”, “Олча гулли” ширмой”, “Алима-т-ёғли”, “Абуҳалил-олча-гули”, “Қўшалоқ-кулча”, “Ёғлик-кулча”, “Қўшалоқ-кулча-ширмон”, “Шикар-ёғли”, “Пайванд-ёғли”, “Шокир-абухалил-олча-гули”, “Абуҳалил-олча-гули-ёғли”, “Абуҳалил-олча-гули-ширин”.

Ширмон Нон парҳез ва ҳатто доривор нон ҳисобланади, у ўзига хос нордон ва айни пайтда нозик анис аромати билан ширин таъмга эга. Таҳрибали новвойлар ноннинг махсус ачитқиси билан фахрланадилар ва рецепт бўйича ачитқи даражасини назорат қилишлари мумкин. Хамиртурушни паст ёки юқори намлик даражасида ушлаб туриш ёки ферментация ҳароратини сошлаш орқали ўткир ва мураккаб нон таъмини яратиш мумкин.

Хамиртурушли нон инсонлар томонидан 6 минг йилдан кўпроқ вақт давомида истеъмол қилинган деб ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудудида маҳсулотнинг пайдо бўлиши ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ, аммо у тандирда ясси нон ёпилишининг пайдо бўлиши билан бирга пайдо бўлган деб осонгина тахмин қилиш мумкин. У ишлаб чиқарилган ҳудудлар қадимги ўтроқ деҳқончилик ривожланган жойлар билан боғлиқ бўлиб, хамиртурушли нон тайёрлаш анъанаси чет элликларнинг бир неча марта босқинчилиги ва маданиятларнинг ўзгариши билан сақланиб қолган. Лекин маҳсулот Ўзбекистоннинг қадимги деҳқончилик билан шуғулланувчи ҳудудларида, айниқса, қишлоқ жамоалари ва кичик шаҳарларда кенг тарқалган. Кўчманчи туркий қабилаларнинг авлодлари ўтроқ бўлган ҳудудларда хамиртурушли нон пишириш анъаналарининг камроқ тарқалгани ёки тўлиқ йўқлиги кузатилмоқда, гарчи улар ҳам тандирдан фойдаланган ҳолда ёғ қўшилган бошқа турдаги нонларни, масалан, “оби нон” ва “чаша”ни истеъмол қилганлар. Ширмон нон ҳар кунлик нон эмас, анъанавий равишда байрамлар, тўйлар ва бошқа тадбирлар учун совға сифатида берилди. Унинг озукавий қиймати пишириш учун ишлатиладиган ун турига боғлиқ бўлиб, буғдой уни билан толалар, калций, темир, магний, марганец, калия, фосфор, селен, цинк, В, С ва Е витаминлари соғлом миқдорини таъминлайди.

Маҳаллий нўхотга асосланган махсус хамиртурушни тайёрлаш учун камида 15 соат керак бўлади. Биринчидан, ундан анис, думба ёғи, буғдой уни ва бошқалар қўшилган ҳолда қуйқа тайёрланади. Қолаверса, ҳар бир таҳрибали нонвойнинг авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзига хос ошпазлик сири бор. Хамиртуруш тайёрлаш учун энг яхши ингредиент буғдой унидир. Бу нон одатдаги оби-нон каби иссиқ тандирда пиширилади. Ноннинг ўзига хос хушбўйлиги ва ёрқин рангига қуруқ пахта пояларидан - гўзапоя ёки тоғларда йиғилган қуриган ёввойи дарахт шохаларини ёқиш орқали тайёрлаш усули билан эришилади. Нонларни олтин ранг қиладиган махсус иссиқликни айнан улар беради.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан гастронимик туризмни ривожлантириш, ўзбек ошхонаси, унинг ўзига хос хусусиятлари ва анъаналарини оммалаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш бўйича қўрсатилаётган ташаббусларга қарамай, “Ширмон нон” ишлаб чиқариши кичик оилавий ишлаб чиқариш фаолияти бўлиб қолмоқда. Қадимий урф-одатлар мавжудлигининг мана шу шакли хорижлик сайёҳлар, меҳмонлар ва маҳаллий ёшларни ҳам қизиқтиради.

Ҳамиртурушли нонларнинг асосий таркибий қисмларидан бири уста сиридир. Ҳар кимнинг ўзига хослиги бор ва шунга кўра, ҳар бир нонвойнинг пиширган нонларнинг ўзига хос таъми ва ҳушбўйлиги билан ажралиб туради. Сирлар кўпинча оилаларда отадан ўғилга ўтади. Касбни ўрганиш мураккаблиги туфайли ташқаридан шогирдларни жалб қилиш қийин. Бундай рецептлар авлодлар узилиб қолганда ёки ўғиллар оталарининг йўлидан боришдан бош тортганда йўқолади.

CONTACTS - АЛОҚАЛАР

Slow Food

www.slowfood.com

ark@slowfood.com



